



## ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Умурзоков Жамолиддин Шербекович, PhD

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси,

e-mail: [jamoliddin.umurzokov@gmail.com](mailto:jamoliddin.umurzokov@gmail.com)

ORCID: 0000-0002-7662-4210

## PROSPECTS FOR IMPROVING THE FINANCIAL AND ECONOMIC ACTIVITIES OF OIL AND GAS ENTERPRISES IN UZBEKISTAN

Umurzokov Jamoliddin, PhD

Independent researcher of Tashkent Financial Institute,

e-mail: [jamoliddin.umurzokov@gmail.com](mailto:jamoliddin.umurzokov@gmail.com)

ORCID: 0000-0002-7662-4210

### JEL Classification: O1, O12

**Аннотация.** Ҳозирги кунда барқарор иқтисодий ривожланишининг муҳим шарт-шароитлари ва омиллари орасида инвестицион фаолият алоҳида ўрин эгаллайди. Инвестициялар ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, уларнинг жалб қилиншии даражаси билан иқтисодиёт ҳолатига баҳо берилади [1].

Жаҳон энергетика соҳасида устун ўринларни углеводородлар - нефт ва табиий газ билан ифодалана диган бирламчи энергия ресурслари эгаллайди. Уларга ортиб бораётган талабни қондириши учун нефт ва газ саноатининг асосий субъектлари - ҳалқаро ва миллий нефт-газ компаниялари йирик капитал қўйилмаларни жалб қилишини назарда тутувчи аниқ, истиқболли инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишлари керак. Бунда инвестициялаш обьекти бўлган углеводородларни қидириши, қазиб олиши, ташини ва қайта ишилаш йўналишилари ушибу инвестициялар рентабеллигини оширишига қаратилган [2].

Сўнгги ишларда бу компаниялар, бир томондан, қулай бозор шароитида,

иккинчи томондан, чекланган молиявий, моддий ва инсон ресурслари шароитида, шунингдек, ўзлари жойлашган давлатлар ҳукуматлари томонидан кучайиб бораётган сиёсий босим шароитида ишладилар.

Қидирилаётган заҳираларнинг қисқаршии, капитал ва эксплуатация харажатларининг ўсиши, айниқса, молиявий-иқтисодий инқироз шароитида нефт ва газ компаниялари учун катта хавф туғдиради, уларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг ёмонлашишига, углеводород ресурсларини қазиб олиши учун ишлаб чиқарши қувватларини ошириши бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишидаги қийинчиликларга олиб келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириши даражаси бир-бирига мувоғиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Нефть-газ корхоналарида асосий фаолиятни мунтазам равишда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқши



мақсадида янги лойиҳаларни амалга ошириши, истиқболли бозорларни эгаллашга интилиши қўшимча инвестицияларни жалб этишини тақозо этади.

Бугунги кунда нефть-газ саноати миллий иқтисодиётнинг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. Айни шу тармоқдан тушаётган молиявий ресурслар давлат бюджетининг даромад қисмини тўлдиришида етакчилик вазифасини бажармоқда.

Мазкур мақолада нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини тақомиллаштириши йўналишларини маҳлил қилиб, инвестицион фаолиятининг молиявий механизмини тақомиллаштириши истиқболлари ҳамда инвестицион фаолликни оширишининг лойиҳалар самарадорлигини таъминлашга таъсири юзасидан амалий ечим ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Abstract.** Currently, investment activity occupies a special place among the important conditions and factors for sustainable economic development. Investments are considered one of the most important factors in solving socio-economic issues, and the state of the economy is assessed by the level of their involvement.

Primary energy resources, represented by hydrocarbons - oil and natural gas, occupy a leading position in the global energy sector. To meet the growing demand for them, the main actors of the oil and gas industry - international and national oil and gas companies - should develop a clear long-term investment strategy that involves attracting large capital investments. At the same time, the exploration, production, transportation and processing of hydrocarbons, which are the object of investment, are aimed at increasing the profitability of these investments.

In recent years, these companies have been operating, on the one hand, in favorable market conditions, and on the other hand, in conditions of limited financial, material and human resources, as well as in conditions of increased political pressure from the governments of the country where they are located. The reduction of explored reserves, the increase in capital and operating costs, especially in the context of the financial and economic crisis, creates a great risk for oil and gas companies, leads to a deterioration in their financial and economic performance, and difficulties in the implementation of investment projects to increase production capacities for the extraction of hydrocarbon resources.

The process of economic reforms carried out in our country shows that high rates of economic growth and the level of satisfaction of the growing demand for investment resources are incompatible with each other. The implementation of new projects in order to regularly bring the main activity to a qualitatively new level in oil and gas enterprises, the desire to capture promising markets requires additional investment.

Today, the oil and gas industry is becoming a driver of the national economy. The financial resources coming from this sector play a leading role in filling the revenue part of the state budget.

This article analyzes the directions for improving the mechanism of investment activity of oil and gas enterprises, develops practical solutions and recommendations regarding the prospects for improving the financial mechanism of investment activity and the impact of increasing investment activity on ensuring the effectiveness of projects.

**Калим сўзлар.** Инвестиция, модернизация, молиявий-инвестицион фаолият, дивестициялаш, краудфандинг,

самарадорлик, углеводородлар, нефть-газ корхоналари, лойиҳалар самарадорлиги, прогнозлаши, рискларни бошқари.

**Key words.** *Investment, modernization, financial-investment activity, divestment, crowdfunding, efficiency, hydrocarbons, oil and gas companies, project efficiency, forecasting, risk management.*

**Кириш.** Сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш хамда энергия ресурсларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжни таъминлашнинг муҳим омили бўлган энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, геология қидирув ишлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва нархларни шакллантириш ишларининг самараасизлиги республика иқтисодиёти ва ахолисининг энергия ресурслари билан тўлиқ таъминланмаслигига, нефть-газ тармоғи корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келди. Жумладан, сўнгги 20 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 8 фоизга ошгани ҳолда мамлакат корхоналари томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2010-2020 йилларда тасдиқланган табиий газ захиралари 5 фоизга қисқарди, ўтган 5 йил давомида табиий газнинг табиий захиралари ўрнини тўлдириш бўйича ўртача кўрсаткич 70 фоизга яқин ҳажмни ташкил этди [3].

2017-2018 йилларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42 фоизни ташкил этган холос. Тартибга солиш функциялари ва тижорат фаолиятини ўзида бирлаштирган

бошқарувнинг эскирган ва шаффоф бўлмаган тизими нефть-газ тармоғи корхоналарида замонавий менежментни жорий этишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Инвестиция фаолиятини тўғри ташкил этиш ва ҳақиқий инвестицияларни бошқариш тизимида энг самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Сармояланган капитални қайтариш вақти, ундан муқобил фойдаланиш вариантлари ва келгуси даврда корхонанинг қўшимча ҳосил бўлган фойдаси ушбу танлов қай даражада амалга оширилганига боғлиқ [4].

**Материал ва метод.** Нефть-газ корхоналари молиявий-инвестицион фаолиятини такомиллаштириш мавзусининг ривожланиш даражаси ҳар хил. Умуман олганда, диссертация ушбу мавзуда кенг адабиётлар мавжуд, шу жумладан нефт-газ соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларига оид назарий тадқиқотлар.

Хорижда нефт-газ саноатини ривожлантириш, ушбу соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлиги билан боғлиқ муаммолар кенг ёритилган. Шу билан бирга, бу соҳадаги тадқиқотлар статистика, эконометрика ва иқтисодий жараёнларни компютерда моделлаштириш соҳасидаги фундаментал ютуқлардан фойдаланиш туфайли аниқ амалий йўналиш касб этди.

Халқаро нефт ва газ бизнесини, суюқ углеводородларнинг жаҳон бозорини, нефт ва газ соҳасидаги солиқ тизимлари ва фискал режимларни ўрганиш соҳасида Д.Йергин, Д. Буш, Д. Жонстон, Д. Хине, нефт ва газ компаниялари стратегиясини, нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти

(ОПЕК), бозор ва рақобат назарияси, бозор стратегиялари ва инвестиция фаолиятини қуришнинг назарий асосларини ўрганиш соҳасида – Ж. Стиглер, А. Алчиян, Ф. фон Хайек ва бошқаларни айтиб щитиш мумкин.

Ушбу соҳадаги минтақавий тадқиқотлар 1990-йилларнинг бошларида Россияда иқтисодий ўзгаришлар бошланиши билан юқори ихтисослаштирилган амалий ва тармоқ йўналиши доирасидан ташқарига чиқди.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши даврида маҳаллий ёқилғи билан таъминлаш ва жаҳон иқтисодиётининг энергия балансини сақлаш, энергия хавфсизлигини таъминлаш муаммолари тадибыотлар асоси бўлди.

Ушбу тадқиқотларда корхонанинг реал инвестиция дастурини шакллантириш жараёни қўйидаги асосий принципларга асосланади:

инвестиция дастури учун кўп мезонли лойиҳаларни танлаш;

инвестиция лойиҳалари турлари бўйича танлов мезонларини фарқлаш;

корхонанинг инвестиция фаолиятидаги объектив чекловларни ҳисобга олиш;

инвестиция дастурининг корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий дастурига мувофиқлигини таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларининг энг муҳим кўрсаткичлар бўйича изчиллигини таъминлаш.

Умуман олганда, корхонанинг инвестиция дастурини шакллантириш жараёни қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

а) корхонанинг инвестиция дастурида лойиҳаларни танлаш учун асосий мезонни танлаш (одатда соғ жорий қиймат NPV кўрсаткичига устунлик берилади) ва унинг миқдорий

қийматларини фарқлаш;

б) танланган асосий мезон бўйича инвестиция дастурида лойиҳаларни танлашда чекловлар тизимини яратиш. Асосий чекловчи меъёрий кўрсаткичлар сифатида бундай кўрсаткичлар дисконтланган қопланишнинг максимал даври, рентабелликнинг минимал ички даражаси, лойиҳа таваккалчилигининг рухсат этилган максимал даражаси, инвестиция лойиҳасининг амалга оширишга тайёрлик даражаси ва бошқалар сифатида белгиланиши мумкин;

в) кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларининг асосий мезон ва чекловлар тизимига мувофиқ рейтингини аниқлаш;

г) инвестиция дастурини операцион фаолиятининг чекланган имкониятлари шароитида шакллантириш;

д) инвестиция ресурсларининг чекланган миқдорлари шароитида шакллантириш;

ж) тармоқ ва худудий ривожлантириши концепцияларига мослигини аниқлаш ва ҳоказо.

**Натижалар.** Республика нефть-газ корхоналари мисолида бугунги қунда реал сармоялар портфелини шакллантириш ва уни самарали ташкил қилишда маълум муаммолар юзага келаётгани ҳам кузатилади. Масалан, “Ўзбекнефтгаз” АЖда реал инвестицияларни танлашни ташкил қилишнинг амалдаги тизими қўйидагича ишлайди.

Ҳар бир бошқарма ва корхонада бош механик хизмати (техник бюро) мавжуд бўлиб, у маълум миқдордаги қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш режасини бажариш учун зарур бўлган технологик ускуналарни ҳисоблаб чиқади. Кейинчалик, “Ўзбекнефтгаз” АЖда харидлар, иқтисодий режалаштириш, йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш

департаментлари зарур бўладиган сметаларни шакллантиришади. Буюртма жамият бошқарувига юборилади, у уни кўриб чиқади ва тасдиқлайди ёки бош механик хизматига қайта кўриб чиқиш учун изоҳлари билан беради.

Мазкур жараёнда буюртма (инвестиция лойиҳаси) ўндан ортиқ босқичлардан ўтиб шаклланиб келади, яъни ускуналарни сотиб олиш учун индикатив варақ тузилади, техник кенгашга тақдим этилади, кенгаш таркибига барча иқтисодий, технологик, молиявий, ишлаб чиқариш бўлимларининг раҳбарлари киради, ундан сўнг ҳукумат органларида тегишли рухсат олиш босқичларидан ўтади.

Шуни таъкидлаш керакки, амалдаги схемада лойиҳаларни танлашда турли хил қарама-қаршиликлар пайдо бўлади корхона хизматлари, ҳукумат

органлари билан баъзи ҳолларда низоли вазиятлар юзага келади. Шундан келиб чиқиб, нефть-газ корхоналари ресурс тақчиллиги шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ижтимоий (янги иш ўринлари, худуд инфраструктураси), иқтисодий (молиявий иқтисодий кўрсаткичлар), бюджет (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар) самарадорлигини ягона алгоритмик ёндашув орқали комплекс баҳолаш орқали ташкил қилишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу жараёнларни рақамлаштириш, умумий ҳамма учун шаффофф бўлган омилларни белгилаб олиш, лойиҳаларни худудий, бюджет, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги нуқтаи-назаридан аниқ кўрсаткичларни белгилаб олиш ҳамда бунда инновацион ишланмалардан ҳам самарали фойдаланиш жоиз.

#### 1-жадвал<sup>1</sup>

#### Кейинги 5-10 йиллик даврда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан амалга ошириш мумкин бўлган истиқболли лойиҳа таклифлари рўйхати

Лойиҳа номи	Қиймати	Мақсади
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг технологик агрегатларини модернизация ва реконструкция қилиш	650 млн. АҚШ долл.	хомашёни қайта ишлаш даражасини ошириш, бозорни экологик тоза Евро-5 ёқилғиси билан тўлдиришни ҳажмини ошириш
Муборак, Газли ва Шўртан нефтгаз қазиб чиқариш бошқармаларини техник қайта жиҳозлаш	133,4 млн. АҚШ долл.	электр энергиясини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳисобига энергия харажатларини камида 20 фоизга камайтириш; нордон газни қайта ишлаш обьектларини элементар олтингугуртнинг қўшимча ҳажмини ишлаб чиқариш билан таъминлаш
Муборак ГҚИЗ негизида юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш (этаноламинлар)	450 млн. АҚШ долл.	Республика газни қайта ишлаш саноати учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар (етаноламинлар) ишлаб чиқариш

<sup>1</sup> Тадқикот жараённада муаллиф томонидан тайёрланди

Айнан ушбу таклифдан келиб чиқиб, кейинги 5-10 йиллик даврда Ўзбекистон нефтгазкорхоналари флагмани бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан амалга ошириш мумкин бўлган истиқболли лойиҳа таклифларини таҳлил қилиб ўтсак (1-жадвал).

Биргина, лойиҳа қиймати 650 млн. АҚШ доллари ҳажмида таклиф этилаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг технологик агрегатларини модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳасидан кўзланган мақсад - бозорни Евро-5 стандартидаги ёқилғиси билан тўлдириш, хомашёни қайта ишлаш даражасини ошириш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ишлаб чиқаришни диверсификация қилишдан иборат.

Мақсадга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мавжуд технологик блокларни модернизация қилиш ва янгиларини қуриш орқали эришилади. Натижада 2022 йилдан 2040 йилгacha жами 1700 минг тонна чизиқли алкилбензол, 782 минг тонна мазут, 816 минг тонна терефталик кислота (ТПА), шунингдек, тўқимачилик саноати учун 935 минг тонна бўёқ ишлаб чиқарилади. Чизиқли алкилбензолнинг сотиш нархи 1500 доллар/тонна, мазутнинг сотиш нархи 412,8 доллар/тонна, ТФА 564 доллар/тонна, тўқимачилик саноати учун бўёқларнинг сотиш нархи 2000 доллар/тонна даражасида қабул қилинди. Ушбу маълумотларга кўра, 2022 йилдан 2040 йилгacha бўлган даврда ялпи тушум 39 616,82 миллион АҚШ долларини ташкил қиласди.

Шу билан бирга, капитал қўйилмалар 650 миллион АҚШ долларни ташкил этади (таксминан). Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига солиқ тўловлари 5522,24 миллион АҚШ долларни ташкил этади, бу эса даромадни 14 фоизга тенгdir. Дастребаки икки йил давомида нақд пул оқими -472,83 миллион АҚШ долларга салбий, аммо 2022-2040 йиллар учун жами 1 612,96 миллион АҚШ доллар ижобий.

Инвестицион харажатларнинг самарадорлиги 21 фоизга тенг бўлган ички даромад даражаси (IRR) билан белгиланади ва лойиҳанинг ўзини ўзи қоплаш муддати 6 йилни ташкил этади.

Юқоридаги таҳлилдан кўриб турганимиздек лойиҳавий молиялаштириш ҳамда давлат-хусусий шериклик механизmlари қоришмасида амалга ошириш учун таклиф этилаётган “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг технологик агрегатларини модернизация ва реконструкция қилиш” лойиҳасида 21 фоизлик ижобий самарадорликка эришиш кутилмоқда.

**Мунозара.** Бунда албатта лойиҳани амалга оширишнинг муҳимлиги, уни энг самарали молиявий-инвестицион схемада амалга оширишнинг муҳимлигини таъкидлашимиз лозим. Фикримизча, нефть-газ корхоналарида молиявий-инвестицион жараённи самарали ташкил этишда молиявий механизмларга кўпроқ урғу берилиши мақсадга мувофиқ.

Шундай механизmlардан бир қатор усулларини кўриб чиқишимиз мумкин (2-жадвал).

## **Нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият молиявий механизмини самарали ташкил этиш усуллари<sup>2</sup>**

<b>Молиявий механизм</b>	<b>Моҳияти</b>	<b>Устунлик жиҳати</b>	<b>Тадбиқ этиш соҳаси</b>
<b>Венчур молиялаш</b>	Устав капиталига таъсисчилик бадали	Арzon ва мураккаб бўлмаган молиявий ресурсларни жалб қилиш	Таваккалчиклик кам ва даромадлилик юқори бўлган йўналишлар
<b>Краудфандинг (суверен молиялаштириш)</b>	Кенг кўламли молиявий ресурсларни жалб қилиш	Молия бозори тузилмаларининг иштирокисиз зарурий пул маблағларини жалб қилиш	Стартаплар, инновацион ишланмалар, чиқиндиларни қайта ишлаш
<b>Дивестициялаш</b>	Корхоналарни қайта ташкил қилиш	Фойдаланилмаётган активларни реализация қилиш	Нопрофил ва кам ликвидли активлар
<b>Активларни бошқаришнинг трансформацион модели</b>	Даромадни стратегик бизнес бўлинмалар бўйича алоҳида режалаштириш	Ҳар бир фаолиятни алоҳида молиявий назоратини олиб бориш ва даромадлилик даражасини ошириш	Бурғилаш, кудукларни капитал таъмирлаш, геология қидирув ишлари, қазиб олиш
<b>Маҳсулот тақсимотига оид битим ва концессияларни бирга ишлатиш</b>	Конларни биргаликда ўрганиш ва ўзлаштириш	Зарурий пул маблағларини жалб қилиш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш,	Кам ўрганилган ва истиқболсиз конларни ўзлаштириш

Венчур капитали либерал инновацион механизм асосини ташкил этади. Ўзининг иқтисодий хусусиятига кўра, венчур молиялаш таъсисчиликнинг замонавий тури, яъни дастлабки кўйилмаларни (устав капиталига таъсисчилик бадали) тез кўпайтириш мақсадида истиқболли фирмалар, компанияларни ташкил қилиш ва ривожлантириш хамда бозор қиймати бўйича уни кейинчалик руёбга чиқариш жараёнидир.

“Дивестициялаш - корхоналарни қайта ташкил қилишнинг бошқа бир шакли ҳисобланади” [4]. Корхона

молиявий стратегиясини ўзгартириш дивестициялашнинг асосий рағбатларидан биридир.

Стратегик режаларни ўзгартириш дивестициялашнинг асоси ҳисобланади. Дивестициялашнинг аҳамиятли жиҳати шуки, у қўшилиб кетиш ва қоплаш билан бирга боради. Алоҳида активлар ёки бизнес-бирликларнинг етарли бўлмаган рентабеллиги муаммосини уни қайта ташкил қилиш ёки сотиш воситасида ҳал қилиш кўйилган капитал рентабеллигининг ошишига ёрдам беради, шу орқали корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

<sup>2</sup> Тадқикот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

## Краудфандинг – сўнгги

йилларда бу каби молиялаш усуллари фаол оммалашиб бормоқда. У ҳар хил турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг кўламли молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмини ўзида мужассамлаштиради. Одатда мазкур механизм нефть-газ корхоналари ўзларининг стартаплари хақида маълумотларни жойлаштирадиган интернет-майдончаларда суверен ҳолатда амалга оширилади. Инвестор сифатида чиқадиган хусусий шахслар лойиҳалар билан танишиб, инвестицион қарорлар қабул қиласидилар. Краудфандинг молия бозори тузилмаларининг иштирокисиз зарурий пул маблағларини жалб қилиш имконини беради, бу мазкур тартибларни бир мунча соддалаштиради.

Рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштириш механизми сифатида краудфандингни ривожлантириш учун бундан ташқари, лойиҳаларни молиялаштиришнинг анъанавий шаклларинигина (заёмлар бериш, акция, облигациялар ва компания капиталида улушга эга бўлиш) эмас, рақамли иқтисодиётга хос бўлган, тақсимланган реестр технологиясини кўллашга асосланган замонавий шаклларини хам кўзда тутиш мухим. Краудфандинг муносабатларининг ҳозирги ривожланиш босқичига хос бўлган, тақсимланган маълумотлар базасида инвесторлар номига ёзиладиган маълум мулкий хукуқларни белгилайдиган ўзига хос шаклидан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Инвестиция фаолияти молиявий механизмларини такомиллаштиришнинг навбатдаги таклиф этилаётган модели – бу маҳсулот тақсимотига оид битим (production sharing agreement) ва концессияларни бирга ишлатиш принципларини маҳаллий инвесторларга

нисбатан ҳам қўллаш деб ҳисоблаймиз.

Бунда мазкур механизм самарали кўлланган дунёнинг бир қатор давлатларининг (хусусан Перу, Филиппин, Ливия ва бошқалар) [5] ижобий тажрибасини таҳлил қилиш натижасида Маҳсулотни тақсимлаш битимини кейинчалик рискка асосланган техник хизмат кўрсатиш битимиға ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундай битимда маҳаллий инвестор томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги кам ўрганилган ва истиқболсиз конларни ўзлаштириш, уларга техник хизат кўрсатиш ва кейинчалик қазиб олинган маҳсулотни аниқ бир шартлар асосида ўзаро манфаатли тақсим қилиш механизми кўзда тутилмоқда.

Кейинги таклиф этилаётган модель – бу активларни бошқаришнинг трансформацион моделини жорий этиш бўлиб, бу усул менежментнинг алоҳида ҳисоб юритиш, даромадни стратегик бизнес бўлинмалар бўйича алоҳида режалаштириш, кудуқларни алоҳида молиявий ҳисобини юритиш каби замонавий усулларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сонли “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган дивестицион таркибий ўзгаришлар натижасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ бир вақтнинг ўзида углеводородларни қидириш, қазиб олиш, етказиб бериш, қайта ишлаш, сотиш каби йўналишларни ўзида бирлаштиради. Бундай мураккаб бошқарув тизими натижасида соҳанинг айрим

йұналишларида инвестицион фаолият самарасиз ташкил этиш әхтимоли юқорилиги сақланиб қолади.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча активларни бошқаришнинг трансформацион моделини жорий этиш келгусида корхонада инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш, хар бир фаолиятни алоҳида молиявий назоратини олиб бориш ва даромадлилик даражасини ошириш имконини юзага келтиради.

Молиялаштиришнинг турли хил моделларини амалга оширишда ресурсларнинг қулайлигига нефть-газ корхонасининг мавжуд ресурслари ҳисобига ҳамда йирик, барқарор амал қилаётган корхонанинг күпроқ молиялаш манбаига эга бўлиши ҳисобига эришилади.

**Хулоса.** Тадқиқот обьекти ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолият йұналишининг ўзига хослиги, мавжуд кадрлар ва ресурс салоҳиятини инобатта олиб, корхонада инвестиция фаолиятининг молиявий механизмини такомиллаштиришда қуйидаги устувор вазифаларга аҳамият қаратиш мақсаддга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- етакчи тизим корхоналарида (Муборак газни қайа ишлаш заводи, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, Муборак ва Шўртан нефть-газ қазиб чиқариш корхоналари) асосий воситалар эскириш даражасини уларни босқичма-босқич янгилаб бориш ҳисобига камайтириш,

- корхоналар иқтисодиётининг энергияга қарамлигини энергия ишлаб чиқарувчи ва энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш

ҳисобига камайтириб бориш;

- корпоратив бошқарув тизимини кенгрөк жорий қилиш, унинг шаффоғлигини таъминлаш;

- углеводород хомашёсини чукур қайта ишлаш, мамлакатнинг реусрс имкониятларидан келиб чиқиб нефтегазохимия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кенг эътибор қаратиш;

- замонавий технологияларни кенг қўллаган ҳолда муқобил ёқилги ресурсларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда нефть-газ тармоғининг инновацион иқтисодиёт йұналишини танлаши давлат аҳамиятига эга бўлиши, “бозор устидан” амал қилиши зарур. Йўналтирилган инвестиция оқими нефть-газ тармоғи корхоналарининг фаровонлигини таъминлаши билан бирга ЯИМ даги саноатнинг улушида нефть-газ тармоғи салмоғини ошириши лозим.

Нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришга маблағларни жалб қилиш шартларидан бири инвестицион ҳамкорлик соҳасида орттирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда инвестицияларнинг табиий оқимини кўпайтириш ҳисобланади.

Бунинг учун мамлакатда инвестиция муҳити жозибадорлиги ва нефть-газ корхоналарининг ички инвестиция имкониятларини оширишнинг зарур чоралари кўрилиши лозим.

Бу эса нефть-газ корхонасининг инвестицион фаоллигига ижобий таъсири кўрсатади ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришда ўзига хос механизм жорий этилишига замин яратади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Н.В.Киселёва, Т.В.Боровикова, Г.В.Захарова и др.; Инвестиционная деятельность/Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н. В. Киселёвой. М.: КНОРУС, 2005. 432 с.
- 2.И.А.Смирнов. Инвестиционная деятельность международных нефтегазовых компаний. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2009 г.
3. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти [www.ung.uz](http://www.ung.uz) статистик маълумотлари/
- 3.Умурзоқов Ж.Ш., Бакиева И.А. Ўзбекистонда нефть газ саноати корхоналарини трансформациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш динамикаси, “Agro biznes inform” иқтисодий-ижтимоий, илмий оммабоп журнали (1) 1 2022, 44 б.
- 4.Рудык Н.Б., Семенкова Е.В. Рынок корпоративного контроля: слияния, жесткие поглощения и выкуupy долговым финансированием. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 456 с.
- 5.Богданчиков С.М., Перчик А.И. Соглашения о разделе продукции. Теория, практика, перспективы. Право. Экономика. М.: Нефть и газ, 1999. С. 484.